

“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари
қурилиши бўйича инжиниринг
компанияси” УК Фаргона вилоят ҳудудий
бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022- йил 26-Октябр кунги 495-сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси
президентининг 2022-йил 25-октябр кунги
ПҚ-408 сонли қарорига асосан Риштон тумани Дахбед МФЙ ҳудудида жойлашган кўп қаватли
уйларни оқава сув тизимини яхшилаш учун қуйидаги техник шарт бажарилиши тавсия этилади.

Оқава сув бўйича

Риштон тумани Дахбед МФЙ ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйларни оқава сув тизимини
яхшилаш учун 130 дона кукук колодес ўрнатиш ва 3.2 км оқава сув қузури тортиш замонавий
пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига
мос равишда амалга оширилсин.

Оқава сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик
коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида,
тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.


Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиҳа институтларини жалб қилган
ҳолда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг,
қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари қурилиш-
монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан
келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли
қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув
объектлари лойиҳа-смета ҳужжатлари “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши
белгиланган ва 1(бир) нусха лойиҳа смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур
қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади
ва мазкур объектлар “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб
ҳисобланади.

“Фаргона сув таъминоти” МЧЖ

Риштон туман филиали раҳбари:



Ж.Собиров

“Фаргона сув таъминоти” МЧЖ

Риштон туман филиали ИЧМ муҳандиси:

И.Мамадалиев